# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 6 ноябрь, № 234 (7736) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Хитойлик экспертлар:

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НУТҚИ БУГУНГИ КУНДА ГЛОБАЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ МУҲИМ БАЁНОТГА АЙЛАНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросимидаги нутқи Хитой кенг жамоатчилиги ва эксперт-таҳлил доираларида катта қизиқиш билан кутиб олинди.*

## «Халқ сўзи» газетаси учун махсус

**Се Дуо,**
**“Ипак йўли” жамғармаси бошқарув раиси:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 4 ноябрь куни бўлиб ўтган Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмасининг очилиш маросимидаги нутқи бугунги кунда глобал тараққиётнинг асосий тенденцияларини акс эттирувчи муҳим баёнот бўлди.

“Ипак йўли” жамғармаси ўзбекистонлик шериклар билан Хитой ва Ўзбекистон раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни изчил амалга ошириш йўлидаги ишларни давом эттиришга тайёр. Шу асосда ҳозирги кунда энергетика ҳамда инфратузилма барпо қилиш соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улар яқин муддатларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида якунига етказилади.

Биз савдо, иқтисодий ва минтақавий ҳамкорликда Хитой — Ўзбекистон муносабатларини Ипак йўли руҳига мувофиқ равишда янада чуқурлаштириш тарафдоримиз.

“Ипак йўли” жамғармаси “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида юқори сифатли лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг амалий шериги сифатида ҳаракат қилишни давом эттиради.

**Ли Юньцюань,**
**“Бир макон, бир йўл” тадқиқот институти директори:**



— Нутқда жаҳон иқтисодиётининг бугунги аҳволи таҳлил қилинди, долзарб ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг савдо барқарорлигини таъминлаш, савдо тўсиқларини бартараф этиш ҳамда глобал ривожланишни кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаб, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатидаги мураккаб тенденциялар шароитида мамлакатнинг иқтисодий очиқлик сиёсатини амалга ошириш бўйича стратегик қарашларини баён қилди.

Ўзбекистон раҳбари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва инқироздан биргаликда чиқиш чоралари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини тақдим қилди. Нутқ хитойлик эксперт ҳамда академик доиралар вакилларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги ислоҳотлар жараёнини ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий тараққиёт бўйича сиёсатини чуқур англашга имкон беради.

Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиёнинг қўшни минтақалар билан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш лозим. Бу жараёнда ХХР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликнинг юқори даражаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур шериклик доирасида икки давлат истиқболли инфратузилмавий ҳамда бошқа йирик лойиҳаларда ўз кучларини бирлаштирмоқда.

**Гао Дэнбан,**
**“Anhui Conch Cement Co. Ltd.” компанияси директорлар кенгашининг раиси:**



— Ўзбекистон Президенти ўз нутқида коронавирус пандемияси даврида икки давлат ўртасида яқин иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, глобал миқёсда биргаликдаги ишларни фаоллаштиришнинг муҳимлигини таъкидлади. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарининг Хитой билан ҳар томонлама ўзаро манфаатли иқтисодий, савдо ҳамда сармоявий шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги таклифлари алоҳида аҳамиятга эга.

Хитой ишбилармон доиралари сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи савдо тартибини либераллаштирув жараёни давом эттирилаётгани, саноатда юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаол ривожлантирилаётганини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Хитойдаги барча ишбилармонлар янги Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда технологик ҳамкорликнинг кенг истиқболларини яхши англайди.

Хитойнинг энг йирик цемент ишлаб чиқарувчиси (“Fortune Global 500” рўйхатида 441-ўринда) ҳисобланган “Anhui Conch Cement” компанияси ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Биз бугун Қашқадарё вилоятида “Qarshi Conch Cement” компанияси цемент заводини бунёд этиш лойиҳасини амалга оширмоқдамиз.

Бундан ташқари, “Anhui Conch Cement” ўз таркибидаги компаниялар орқали экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, дуккакли экинларни Ўзбекистондан Хитойга импорт қилиш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

**Фэй Юйтун,**
**“Holley Technology Ltd.” компаниясининг халқаро масалалар бўйича бош директори:**



— Коронавирус пандемияси мамлакатларнинг, авваламбор, алоқа соҳасидаги ўзаро таъсирини кучайтиришнинг муҳимлигини, жаҳон иқтисодиётини рақамлаштиришни тезлаштириш ва замонавий IT-технологияларни жорий этишнинг муҳимлигини кўрсатди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро савдо, логистика ҳамда транспорт соҳаларига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш тўғрисидаги таклифи хитойлик тадбиркорлар ва Ўзбекистон билан бизнесни ривожлантирувчи компаниялар томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, халқаро миқёсда юқори сифатли савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатиш учун ахборот-коммуникация майдонидан ҳамда турли хил электрон савдо майдончаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона ва очиқ инвестиция сиёсати, хорижий компаниялар учун яратилган қулай шарт-шароитлар Хитой корхоналарининг мамлакатга сармоя киритишга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

“Holley Technology Ltd.” ва унинг шуъба корхоналари Ўзбекистон бозорида 15 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда. Бугун биз мамлакатда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган инвестицияларимизни кўпайтириш истиқболларини жадал кўриб чиқяпмиз.

**«Дунё» АА.**
Пекин

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 26 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 21 октябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **104-модда иккинчи қисми диспозициясининг** «**к**» **банди** қуйидаги мазмундаги «**к**» ва «**л**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«к) бир гуруҳ шахслар томонидан;

л) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса»;

2) **105-модда иккинчи қисми диспозициясининг** «**л**» **банди** қуйидаги мазмундаги «**л**» ва «**м**» **бандлар** билан алмаштирилсин:

«л) ўта хавфли рецидивист томонидан;

м) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган бўлса».

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН «CHINA INTERNATIONAL IMPORT EXPO — 2020» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА ҚАТНАШМОҚДА

*Шанхайдаги “National Exhibition and Convention Center” кўргазма марказида “Янги давр, умумий келажак” номли Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.*

*Халқаро кўргазмада 170 мамлакатдан 4 мингдан зиёд, жумладан, “Fortune 500” рўйхатидан жой олган 250 дан ортиқ компаниялар қатнашмоқда. Кўргазма павильонининг умумий майдони 360 минг квадрат метрни ташкил этди.*

*Мазкур кўргазма Хитой Халқ Республикаси Савдо вазирлиги ва Шанхай шаҳри Халқ ҳукумати томонидан Жаҳон савдо ташкилоти ҳамда БМТнинг бошқа тузилмалари шафелигида ўтказилмоқда. Унинг фаолияти озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиль саноати, юқори сифатли саноат ускуналари, “ақлли” ахборот технологиялари, истеъмол товарлари, тиббий асбоб-ускуналар ҳамда маҳсулотлар, савдо-сотиқ ва бошқа асосий йўналишларга қаратилган.*

➡ 2

Олий Мажлис Сенати

## ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ БЎЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

*Кейинги йилларда Олий Мажлис Сенати фаолияти замонга мос равишда жадаллашди. Юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган ҳар бир масала бугун парламент юқори палатаси аъзоларининг доимий диққат марказида. Бу каби долзарб масалалар — қонун ҳужжатлари ижроси ва аҳолини қийнаб келаётган муаммолар нафақат Сенат ялпи мажлисларида, айни чоғда қўмиталарда, шунингдек, сенаторлар томонидан жойларга чиқилганда чуқур таҳлил қилинмоқда ҳамда уларга ечим топилаётир. Бинобарин, фуқаролар мурожаатлари ҳар тарафлама ўрганилиб, камчиликлар бартараф этиляпти, жойлардаги муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш учун тегишли идораларга парламент сўровлари юборилмоқда.*

*Буни қўмиталарнинг қуйидаги фаолиятлари мисолида ҳам кўриш мумкин.*

### Чуқур таҳлил ва танқидий руҳда

Президентимизнинг шу йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшлар ижтимоий мослашуви, хусусан, келажакда уларни иш ва уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидлаб ўтилганди. Зеро, бу ёшлар ҳам ғамхўрлик ҳамда меҳрибонликни, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини қалбан ҳис қилиб туриши зарур.

Бу масала Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг ҳам доимий эътиборида бўлиб келяпти. Хусусан, ушбу қўмита ташаббуси билан Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшлар дуч келаётган муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилди. Унинг натижасига кўра, Сенатнинг 2019 йил 12 октябрдаги қарори билан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашувидаги муаммо ҳамда камчиликлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборилган эди. Ўз навбатида, 2020 йил 28 февралда ушбу парламент сўрови натижалари ҳақида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилиниб, унда тизимли муаммоларни ҳал этиш юзасидан масъул ташкилот-муассасалар зиммасига вазифалар юклатилганди.

➡ 3

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

## СУҒУРТА ТИЗИМИГА ОИД ҲУЖЖАТ МУҲОКАМАСИДА ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонун ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди.*

Видеоконференция тарзида ўтказилган тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги масъуллари, суғурта компаниялари вакиллари, соҳа мутахассислари қатнашди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, тақдим этилган қонун лойиҳасининг айрим нормалари қўмита томонидан ўтказилган аввалги йиғилишда депутатларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлган эди. Муҳокамаларда айни шу нормалар иштирокчилар эътиборида бўлди.

Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги вакилининг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳаси суғурта соҳасидаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Уни ишлаб чиқишдан асосий мақсад — қонун даражасида тўғридан-тўғри ҳаракат қоидаларини белгилаш ҳамда суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни бошқаришнинг ягона механизмини яратишдан иборат.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари суғурта соҳалари, синфлари ва турларини аниқлаш, суғурта бозорини тартибга солиш, суғурта (қайта суғурта) ташкилотларини лицензиялаш, тартибга солиш хусусиятлари тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларни берди.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси вакиллари аҳолининг суғурта компанияларига нисбатан ишончсизлиги борлигини, ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида бунга қанчалик барҳам берилаётганига қизиқиш билдирди.

➡ 3

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА БАРЧА ДАХЛДОР

*Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, халқнинг эртанги куни, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ўша юрт ёшларининг бугунги таълим-тарбиясига, қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Шу маънода бугун янги Ўзбекистонда ҳам таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ҳамда олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.*



## Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

Очиғини айтганда, халқимиз ҳам фақат бугуни билан яшамайди. Ҳар бир юртдошимиз эртанги куни, фарзандлари, набиралари келажагини ўйлаб яшайди, уларнинг ўзидан-да бахтли, фаровон турмуш кечиришини истайди. Бу эса таълим-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқдир. Бу масала давлатимизнинг, таъбир жоиз бўлса, барчамизнинг энг муҳим ишимизга айланди. Бунинг сабаби аён: илм-фан ва таълим-тарбиясиз мамлакатни қудратли, миллатни буюк қилиб бўлмайди.

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши яна бир бор илм-фан ҳамда таълим-тарбия соҳасига бағишланди ва янги, ниҳоятда долзарб вазифалар тилга олинди. Давлатимиз раҳбари узоқни кўзлаб, эртанги авлодлар ҳаётини ҳам ўйлаб белгилаб берган ушбу эзгу режа ҳамда мақсадларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётига, халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

Мисол учун, аввало, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлиги қайд этилди. Чунки фикрламайдиган бола катта бўлса, ўз йўли ҳамда мақсадига эришиши қийин кечишини яхши биламиз. Сабаби фикр — инсон ботиний (ички) қиёфасини акс эттирадиган кўзгудир. Биз ўқувчиларда ана шу фикрлаш санъатини эгаллаш, уни тезроқ шакллантиришга жуда жиддий ёндашишимиз лозим.

Очиғи, бугун мактаб тизимининг энг катта камчилиги ҳам аслида шу десак янглишмаган бўламиз. Яъни ўсиб келаётган ёшларга мустақил фикрлашни етарли даражада ўргата олмаяпмиз. Таълим муассасаларида ёшларни тафаккур қилишга ундайдиган услублар йўқ, бори ҳам самара бермаяпти. “Мен ҳеч кимга ҳеч нарса ўргата олмайман, борйўғи уларни фикрлашга мажбур қила оламан”, деган эди қадимги юнон файласуфи Суқрот.

➡ 3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисми** «185» рақамидан кейин «$185^{2}$, $185^{3}$» рақамлари билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **$185^{2}$** ва **$185^{3}$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«$185^{2}$-модда. Совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш**

Совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда, жамоат жойларида очиқ (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Совуқ қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан ов қилишда, касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш, худди шунингдек ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш, –

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$185^{3}$-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши**

Тиғининг ёки кескичининг (даминнинг) узунлиги тўқсон миллиметрдан ортиқ бўлган, тугмаси ёки пишанги босилганда сопидан автоматик равишда чиқадиган ва маҳкамланадиган ёхуд оғирлик кучи ёки тезкор ҳаракат ҳисобига сурилиб чиқадиган ҳамда автоматик равишда ўрнашадиган тиғли совуқ қурол ва пичоқларнинг, шунингдек қурол сифатида қўллаш учун махсус мослаштирилган зарб бериб-парчаловчи ва улоқтирувчи таъсирга эга ашёларни (гурзилар, кастетлар, сурикенлар, бумерангларни ва бошқа ашёларни) қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш, олиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, коллекциялаш, кўргазмага қўйиш, улардан фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилиш, –

мазкур ашёларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «$185^{1}$» рақамидан кейин «$185^{2}$, $185^{3}$» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) **287-модда биринчи қисмининг 1-банди** «185» рақамидан кейин «$185^{2}$, $185^{3}$» рақамлари билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлда қабул қилинган **«Қурол тўғрисида»**ги ЎРҚ–550-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 7, 388-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар** – касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар)»;

**еттинчи – ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи – ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **9-модданинг**:

**6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) фуқаровий қуролни (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно), совуқ қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш»;

**8** ва **9-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни жамоат жойларида, шу жумладан шаҳар транспортида, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда очиқ (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш;

9) совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Миллий гвардияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 5 ноябрь
№ ЎРҚ—645

# ЎЗБЕКИСТОН «CHINA INTERNATIONAL IMPORT EXPO — 2020» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИДА ҚАТНАШМОҚДА

1

Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мамлакатимизнинг Хитойдаги элчихонаси ҳамда Шанхайдаги Бош консулхонаси билан биргаликда ушбу кўргазмада “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида миллий павильон ташкил қилди. Павильонда дунёдаги энг йирик Хитой бозорида ўзбек ишлаб чиқарувчиларининг харидоргир бўлган турли-туман экспортбоп маҳсулотлари тақдим этилмоқда.

Мазкур кўргазмада мамлакатимизнинг 15 та йирик компанияси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги, қуритилган ва музлатилган қишлоқ хўжалиги, нон ҳамда қандолат маҳсулотлари, ичимликлар ва бошқа энг харидоргир маҳсулотлар намойиши билан қатнашмоқда. Улар қаторида “Europrint Kokand”, “Hamkor”, “Global Export Company”, “Xiva Honey”, “Samarkand Garden Plast”, “Class Food Servis”, “Smart Food”, “Karya Export Consulting” ҳамда бошқалар бор.

“Global Export Company” компанияси Ўзбекистонда дуккакли маҳсулотларнинг энг йирик экспортчиларидан биридир. Компания вакили Аббос Ботировнинг айтишича, “CIIE — 2020” кўргазмасида қатнашиш ўз бизнесини нафақат Хитой, балки бутун Шарқий Осиё бозорига олиб чиқиш учун ажойиб имкониятдир. “Ҳар йили ушбу халқаро кўргазмада дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ва минтақадан 150 мингга яқин профессионал харидор ҳамда корхоналар иштирок этиши бизга тўқимачилик, истеъмол товарлари, дуккакли маҳсулотлар, қуритилган мева ва ёнғоқлар, кенг турдаги бошқа маҳсулотлар экспорти учун тўғридан-тўғри харидор ҳамда импортчиларни топишда катта имконият яратмоқда”, деди у.

Жорий кўргазманинг ўтган йилдагига нисбатан ўзига хослиги шундан иборатки, бу гал унда ўз маҳсулотларини Хитойга етказиб беришга тайёр бўлган Ўзбекистоннинг янги компаниялари қатнашяпти. Уларнинг баъзилари аллақачон Хитой бозорида етарли тажриба тўплаган. Хусусан, “Sladus Produce” компанияси Хитойга қандолат маҳсулотлари экспорти билан шуғулланади.

Кўргазмада илк бор иштирок этаётган компаниялар қаторида ўзининг ноёб янги маҳсулоти — “Strobar” шоколад батонини тақдим қилаётган “N’Medov” холдингини келтириш мумкин. Ушбу қандолат маҳсулоти юқори сифатли хом ашёдан Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларида муқобили йўқ Европанинг илғор технологик ускуналарида ишлаб чиқарилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, бу галги кўргазмада Хитой ва Ўзбекистонда фаолият юритаётган ўзбек тадбиркорларининг онлайн иштироки ҳам таъминланган. Яъни улар учун интернет тармоғи орқали реал вақтда тадбирга уланиш имконияти яратилди.

Ўтган йилги иштирок натижасида Ўзбекистоннинг Хитой билан савдо-иқтисодий ҳамкорлиги сезиларли даражада кенгайди. Мамлакатимизнинг қатор компаниялари улкан Хитой бозорида ўзларининг “муваффақият тарихи”га (“success stories”) эга.

Масалан, 2019 йилги кўргазма якунлари бўйича Ўзбекистоннинг “Green Day Import Export” компанияси Хитойга 10 миллион долларлик гилос етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган. “Саховат бройлер” компанияси хитойлик ҳамкорларга товуқ маҳсулотлари сотиш бўйича келишувга эришган. “Agro Farovon Zamin” ҳам Хитой бозорига кириш имкониятига эга бўлди ва ушбу компания бодомнинг дастлабки жўнатмасини юборишга шай турибди.

Хитой бозорига етказиб беришга рухсат этилган Ўзбекистон маҳсулотлари турлари кўпайгани ушбу кўргазмада кенгайтирилган ассортиментдаги маҳсулот турлари билан қатнашиш учун янада кўпроқ имкониятлар эшигини очди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ишбилармонлари, жумладан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари Хитойга экспорт ҳажмини изчил ошириб боради.

10 ноябрга қадар давом этадиган Импорт маҳсулотлари учинчи Хитой халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан мамлакатимизнинг Хитойдаги элчихонаси ҳамда Шанхайдаги Бош консулхонаси кўмагида “Doing Business in Uzbekistan” мавзуида бизнес-форум ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчиси Бахтиёр Саидов форум очилишида сўзга чиқиб, икки мамлакатнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада жадаллашганини қайд этди. Ўзбекистонда хорижий шериклар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳамда бизнес юритиш муҳитининг тобора яхшиланаётгани хитойлик ишбилармонлар учун янги истиқболларни очмоқда.

Анжуман иштирокчилари эътиборига Ўзбекистонда муваффақиятли бизнес юритиш имкониятлари тўғрисида кенгайтирилган тақдимот ҳавола этилди. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзэлтехсаноат” уюшмалари ҳамда мамлакатимизнинг бошқа идоралари вакиллари тадбирнинг асосий маърузачилари бўлди.

Хитойнинг “Holley Group” ва “Shanghai Construction Group” компаниялари раҳбарлари Ўзбекистондаги муваффақиятли фаолияти ҳамда мамлакатимизда бизнес юритиш учун яратилган қулай сармоявий шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

Бизнес-форум доирасида хитойлик харидорлар билан 2021 йилда ўзбек маҳсулотларини етказиб бериш бўйича экспорт шартномалари имзоланди. Хусусан, “China Chengtong International Co. LTD” компанияси билан 100 миллион долларга тенг миқдорда калава ип ва “Beijing Sinex Co LTD” компанияси билан 50 миллион долларга тенг миқдорда мош етказиб бериш бўйича келишувга эришилди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Дунё» АА.**
Шанхай

# ЮРТИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

*Боёвут туманидаги Ҳосилобод маҳалласида эл-юртимиз манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилган халқимизнинг фидойи фарзанди Усмон Юсупов номидаги боғ ҳамда атоқли давлат арбобининг бюсти тантанали равишда очилди.*




Таъкидландики, Усмон Юсупов деганда, Ўзбекистонда кўплаб йирик ва ўта муҳим лойиҳаларни амалга оширишда чинакам фидойилик, юртга садоқат намунасини кўрсатган инсон кўз олдимизга келади. Хусусан, улардан бири — Сирдарё вилоятидаги “Фарҳод” гидроэлектростанцияси. Ушбу нурхона нафақат юртимиз энергетика тизимини ривожлантириш, балки Мирзачўлни обод этишда муҳим гидроиншоот вазифасини ҳам бажарди.

Усмон Юсуповнинг ҳаёти ва меҳнат фаолиятида Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги ҳозирги Ҳосилобод, Миришкор, Бунёдкор ва Янгиобод маҳаллалари ҳудудидаги собиқ 4-Боёвут давлат хўжалиги билан боғлиқ саҳифа ҳам бор. Яъни у мазкур хўжаликка 1955 — 1960 йилларда раҳбарлик қилган. Усмон Юсуповнинг, аввало, халқнинг яшаш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратгани ҳали-ҳамон эл тилидан тушмайди. Ҳудудда яшовчи ёши улуғ инсонлар халқпарвар арбобни ҳурмат билан “Усмон ота” деб эслашади.

— Ўшанда ўн тўққиз ёшда эдим. Усмон ота хўжалигимиздаги фаолиятини йўлларни созлашдан бошлагани ёдимда, — дейди меҳнат фахрийси Абдурасул Абдуллаев. — Яна тор энли темир йўл ҳам қурдирди, уни “вагонетка” дердик. Хўжаликнинг ҳар бир бўлимида 50 тадан 100 тагача уй қурилди. Ўшанда чивин мўллигидан пашшахонанинг докаси икки қават бўлар эди. Усмон ота чўлнинг ана шундай кўплаб қийинчиликларига бардош бериб меҳнат қилаётган ҳар бир кишини эътибордан четда қолдирмас эди. Хўжалик ерларидаги ишидан ортиб, одамларнинг томорқасига ҳам эътибор қаратарди. Ҳатто бир гал томорқаларимиз учун Фарғонадан юк машинаси тўла кўчат келтириб бергани ҳам эсимда. У киши боғ яратишни жуда яхши кўрар эди, шу боис бу ердаги ҳавас қилса арзигулик олмазору шафтолизор, узумзорлар узоқ йиллар “Усмон Юсупов боғи” деб юритилиб келинди. Ҳозир ҳам етмиш йиллик чинор ва арчалар борки, бу дарахтлар Усмон отанинг номини яна узоқ йиллар эслатиб туради.

Ҳосилободда очилган хотира майдони боғи 8 гектар. Боғ меъморий жиҳатдан ҳам, ландшафт жиҳатидан ҳам маҳалланинг кўркига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Ўзбекона айвон деворларидан Усмон Юсуповнинг ҳаёти ва фаолияти акс этган маълумот ва фотосуратлар жой олган. Айни чоғда бу ерда маҳалла гузари, отахонлар чойхонаси, “Гўзаллик салони” сингари масканлар ҳам барпо этилди.

Тадбир доирасида “Усмон Юсупов — ўзбек халқининг фидойи фарзанди” деб номланган конференция бўлиб ўтди. Унда Усмон Юсуповнинг қизи Зоя Юсупова йўллаган аудиоовозли миннатдорлик сўзи ҳам тингланди. Шунингдек, меҳнат фахрийлари Усмон Юсупов ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ВА ОММАВИЙ СПОРТ

## БАХТЛИ ҲАЁТ ГАРОВИ



*Президентимизнинг шу йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини халқимиз кўтаринки кайфиятда кутиб олди. Аҳолининг саломатлигини сақлаш, жисмоний тарбия маданиятини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни белгилаб берган ушбу ҳужжатни халқаро эксперт ва мутахассислар ҳам кенг эътироф этмоқда.*

*Буни қуйидаги фикр-мулоҳазалар ҳам яққол кўрсатади.*

## Муносабат

**Аваз КАРИМОВ, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг ўринбосари:**

— Фармонда аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя этиши, оммавий спорт билан шуғулланиши учун барча қулайликни яратиш кўзда тутилган.

Эндиликда шаҳарсозликда аҳоли сони ва уй-жойларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, шунингдек, ташкилот ва идораларнинг тегишли ҳудудларида велосипед тураржойлари ва замонавий спорт, жумладан, “Workout”, яъни маҳалла ва кўча фитнеси майдончаларини ташкил этиш анъанага айланади.

Ҳар бир туман маркази ва шаҳарларда пиёда ҳамда велосипедда юриш учун “Саломатлик йўлаклари”ни ташкил этиш, маҳаллаларда мини-футбол, бадминтон, стритбол, “Workout” майдончаларини қуриш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатда кишиларнинг миллий спорт турларига қизиқишларини ошириш, билимларини бойитиш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ҳар чоракда ҳар бир туман (шаҳар)да “Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танлови ташкил этилади. Шунингдек, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси ва Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази ҳамкорлигида 2021 йил 1 сентябрга қадар республика ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари тарихини ўрганиш асосида “Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедияси” чоп этилади.

**Ҳелена ФРЕЙЗЕР, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили:**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган Фармонини тўла қўллаб-қувватлайман. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти одамларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиши ва жисмоний фаоллигига катта аҳамият қаратади. Чунки бу кўплаб касалликларнинг олдини олишга кўмак беради.

Соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаётимизга айлантиришимиз зарур эканлигини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ҳозирги пандемия дунё мамлакатлари аҳолисининг бу борадаги муаммолари талайгина эканлигини кўрсатиб қўйди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда тайёрлаган ҳисоботда келтирилганидек, ялпи ички маҳсулотнинг 4,7 фоизи, яъни 9,3 триллион сўм инфекцияли касалликларни даволашга йўналтирилган. Ҳозирги кунда 45 ёшдан ошган кўплаб одамларда камида учта ҳамроҳ касалликлар қайд этилмоқда. Бу эса кам ҳаракатлиликдан, деб биламан.

Президент Фармонида болаликдан соғлом турмуш тарзига амал қилиш, аҳолининг жисмоний фаоллиги учун керакли инфратузилма яратилиши масаласи акс этганидан мамнунман. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакили сифатида мен ҳам ўз олдимга кунига саккиз минг қадам босиш вазифасини қўйдим.

**Шаҳрам ҒИЁСОВ, бокс бўйича жаҳон чемпиони:**

— Давлатимиз раҳбарининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни ҳар томонлама чиниққан авлод қилиб вояга етказишга қаратилгани билан қадрлидир. Чунки ҳаётнинг ўзи ҳар биримиздан зарарли одатлардан воз кечишни, оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиб, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилишимизни тақозо этмоқда.

Аёнки, спортга ошно тутинган киши жисмонан бақувват, касалликларга чидамли бўлади. Шу маънода, оммавий спорт инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ҳам беминнат кўмакчидир.

Буни ўз тажрибам мисолида ҳам айтишим мумкин. Болалигимда 1999 йилги жаҳон чемпионати, 2000 йилги Сидней Олимпиадаси ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев, икки карра жаҳон чемпиони, 2012 йилги ёзги Олимпиада бронза медали соҳиби Аббос Атоев каби таниқли боксчиларга ҳавас қилардим. Улар каби жаҳон ареналарида зафар қучиш ўй-фикри хаёлимни буткул банд этганди. Орзу-ниятларимга эса тинимсиз машғулот ва мураббийларнинг кўрсатмаларига амал қилиш ортидан эришаяпман. Сирасини айтганда, кучли спортчиларга эргашиб кам бўлганим йўқ.

Энг муҳими, бугунги ёшларнинг юксак марраларни забт этишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шундай бўлгач, мен ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан доимий шуғулланишини, соғлом турмушни кундалик ҳаёт тарзига айлантиришини истардим. Ушбу Фармон ҳам ана шундай эзгу ниятлар рўёбида кўприк вазифасини ўташи муқаррар.

**Эшпўлат РАҲМОНОВ, меҳнат фахрийси (Нурота тумани):**

— Шу йил олтмиш саккиз ёшни қаршиладим. Ҳаётимнинг кейинги олти-етти йили оёқ ва қўл бўғинларининг кучли оғриғи билан ўтди. Кечалари игна устида ётгандек, мижжа қоқмай тонгни қаршилаган пайтлар бўлди. Шифо истаб қилмаган амалим қолмади: иссиқ сув дейсизми, қумга тушиш, дори-дармон, турли малҳамлар...

Ўтган йили ёзда тоғда ўтлаб юрган сигиримиз йўқолиб қолди. Мол аччиғи — жон аччиғи, хуллас, излашга тушдик. Қоратовда мен кирмаган ғор, кечмаган сой, жилға қолмади ҳисоб. Уч ой яёв изладим, топилмади. Охири, йўқолса-йўқолар, садқаи сар, дедим-у, лекин тоғу тош кезишни тўхтатмадим. Чунки юриш оёқларимга ёқиб, кечалари тиниқиб ухлай бошлагандим. Бўғин оғриқлари танамдан тиканни олиб ташлагандай йўқолди.

Шу тахлит қартайган чоғда спорт билан ошно бўлдим. Эрта тонгда молларга ем-хашак бергач, ярим соат жисмоний машқ қиламан. Жойимда югуриб, эллик марта ўтириб тураман. Қўлларимни айлантириб, бел-елканинг чигилини ёзаман... Энг муҳими, соғлиғим яхшиланди.

Бугун тўй-маъракаларда бўғин оғриғидан азият чекаётган баъзи тенгқурларим “нимадан тузалдинг”, деб сўрашади. Тўғрисини айтсам, ишонқирамайди.

Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилингач, энди пиёда юрганга давлат пул берармиш, дейишмоқда. Аслида давлат жисмоний ҳаракатни рағбатлантириш билан бирга, пулгаям топилмас соғлиғимизни асраб, керак бўлса, уни қайтариб бермоқда.

“Соғ танда — соғлом ақл”, дейди халқимиз. Демак, ақл учун, аввало, соғлиқ керак. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони мамлакатимиз тараққиёти йўлида барча авлод фаоллиги учун ўта муҳим вазифаларни қамраб олганлиги билан аҳамиятли.

**«Халқ сўзи».**

# ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ БЎЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

◄1 Ўрганиш жараёнида аён бўлганидек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар таълим-тарбия олиши, доимий равишда давлат ва жамият эътиборида бўлиши учун тизим мавжуд бўлса-да, 18 ёшдан ошган йигит-қизлар билан ишлайдиган ягона самарали механизм яратилмаган. Оқибатда эса шу муассасалар битирувчиларининг 43 фоизи иш билан таъминланган, холос, 577 нафари эса тураржойга эга эмас.

Тураржойга эга бўлмаган бу тоифа ёшларнинг салмоқли қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Шу боис Сенат аъзолари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари билан ҳамкорликда ушбу ёшларнинг давлат томонидан белгиланган имтиёзлар — олий таълим, тураржой ва иш билан таъминлаш мажбурияти мутасадди ташкилотлар томонидан бажарилишини назоратга олган. Бунинг самараси ўлароқ, Яшнобод туманида жойлашган Меҳрибонлик уйларида тарбияланган 22 нафар ёш яқинда имтиёзли уй-жой билан таъминланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сенатор Дилором Тошмуҳамедова бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилган зарур шароит, имтиёз ҳамда преференциялар, хусусан, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар хусусида сўз юритиб, ёшларимиз ҳар он халқимиз меҳрини ҳис этиб туриши кераклигига алоҳида урғу қаратди.

### Парламент назорати — тараққиёт кафолати

Бугун сенаторлар мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланган. Яъни жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бўладими ёки янги лойиҳалар ишга туширилишими, уларнинг барчасида сенаторлар иштирокини кузатиш мумкин.

Масалан, яқинда Тошкент вилоятида сув таъминоти масалаларини ўрганиш мақсадида Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Малика Қодирхонова халқ депутатлари Тошкент тумани Кенгаши депутатлари билан бирга Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида қурилаётган "Қодирия" сув иншооти қурилиши жараёни билан танишди. Эътиборлиси, мазкур янги сув омбори ёрдамида Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларига ичимлик суви етказиб бериш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоиз, 2019 йил март ойида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан учта туманга сув етказиб беришга мўлжалланган "Қодирия" сув иншооти қурилиши бошланган эди. Айни дамда бу ерда иш қизғин давом этмоқда.

Ўрганиш давомида иншоот қурилиши 70 фоизга битказилгани маълум бўлди. Режага кўра, сунъий сув ҳавзаси 2021 йилнинг иккинчи ярмида ишга туширилиши кўзда тутилган. Ҳозир иншоотнинг 3 минг кубометрлик иккита ёпиқ сув ҳавзаси тайёр.

Лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўрнатилган парламент назорати режадаги ишларни ўз вақтида бажариш ҳамда аҳолини қийнаётган сув таъминоти муаммоларини тизимли равишда бартараф этишга хизмат қилади, албатта.

### Қўмиталарда ишлар қандай кетяпти?

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси йиғилишида шу саволга жавоб изланди.

Жумладан, қўмитанинг қонунчилик, назорат-таҳлил фаолияти, жорий йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси ижросининг ҳолати, сенатор сўрови амалиётидан унумли фойдаланиш ҳамда қатор долзарб масалалар танқидий руҳда муҳокама қилинди. Қўмита аъзоларининг ҳисоботлари ҳам шу мақсадга йўналтирилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Қўмитага келиб тушган жисмоний ҳамда юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш ҳамда оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари хусусида сўз юритиларкан, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Айни чоғда ушбу йўналишлардаги ишларни янада кучайтиришга хизмат қиладиган таклиф ва фикрлар илгари сурилди.

Йиғилишда, хусусан, сенатор Азамат Зиёнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган таклифи қўллаб-қувватланди.

* * *

Худди шу мазмундаги йиғилиш Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ҳам уюштирилди.

Қайд этилганидек, шу йилнинг ўтган даври мобайнида қўмитанинг 15 та мажлиси ўтказилиб, уларда 50 га яқин масалалар муҳокама этилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга киритилган 4 та қонун кўриб чиқилган ҳамда икки маротаба ҳукумат аъзолари ахборотлари эшитилди.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ва "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурининг Сурхондарё вилоятидаги ижроси ўрганилди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти туман ва шаҳар секторлари раҳбарларининг мазкур йўналишдаги ҳисоботлари эшитилди. Шу билан бирга, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятларида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси таҳлил этилди.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳамда ўрганишлар давомида аниқланган масалалар юзасидан давлат бошқаруви органларига 30 га яқин сенатор сўровлари юборилди.

Ўз навбатида, ҳозирги шиддатли даврда қилинган ишлар билан кифояланиб қолиш мумкин эмаслиги йиғилишда бир неча бор таъкидланди. Айниқса, қўмита аъзолари фаолиятини янада жонлантириш, маҳаллий Кенгашларнинг қонун лойиҳалари муҳокамаларида фаол иштирокини таъминлаш, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлаётган ҳолатларга ўз вақтида ва асосли муносабат билдириш, шунингдек, Сенат ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзолари билан "Устоз — шогирд" анъанаси асосида иш олиб бориш масалаларига алоҳида урғу берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ОЛТИН ҚОИДАСИ

*Жорий йилнинг 4-5 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида «Замонавий ҳарбий низолар ва уларнинг олдини олиш йўллари» мавзуида халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференция бўлиб ўтди.*

Унда Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси, Польша, Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳарбий мутахассислари ҳамда Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти, Жорж Маршалл номидаги хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Онлайн-конференциянинг очилиш маросимида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Ҳамдам Қаршиев ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон МакГрегор сўзга чиқиб, халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференциянинг долзарб жиҳатларига тўхталишди.

Биринчи кун дастурига биноан саккиз нафар мутахассиснинг турли мавзулардаги маърузаси тингланди. Йиғилишнинг биринчи маърузачиси сифатида полковник Ҳамдам Қаршиев «Ҳозирги даврнинг глобал таҳдидлари» мавзуида мулоҳазалар юритди ва минтақавий муаммолар ҳамда уларнинг ечимига тўхталиб ўтди.

Халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференциянинг иккинчи кунида «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳудудида кибертерроризмга қарши кураш», «Ўта муҳим инфратузилмалар киберхавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлашдаги тамойиллар», «Замонавий ҳарбий низоларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларнинг роли», «Минтақадаги хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари», «Глобал ва минтақавий хавфсизлик борасида Хитой Халқ Республикасининг роли» каби мавзуларда ўзбекистонлик ва хорижлик мутахассислар ўз маърузалари билан чиқиш қилдилар. Халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференция маърузачилари қўлланилган материаллар ҳамда тавсиялар ҳарбий хизматчиларнинг билим ва дунёқарашини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференциянинг якунида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Ҳамдам Қаршиев анжуман иштирокчиларига Мудофаа вазирлиги ҳамда Қуролли Кучлар Академияси раҳбарияти номидан эсдалик совғалар ва дипломлар топширди. Шунингдек, у цивилизациялар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, халқаро терроризм ҳамда экстремизмнинг барча кўринишлари, наркотажовузкорлик, қуролли низолар, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, ахборот-руҳий урушлари, глобал иқтисодий-молиявий инқирозлар, табиий ва техноген офатлар, экологик муаммолар, пандемия кўринишидаги ноанъанавий таҳдидларга қарши биргаликда кураш олиб бориш — хавфсизликни таъминлашнинг олтин қоидаси эканлигини таъкидлади.

Икки кунлик халқаро ҳарбий-илмий онлайн-конференция давомида бугунги даврнинг энг долзарб мавзуларига эътибор қаратилди. Анжуман қатнашчилари дунёда хавфсизликни таъминлаш учун ягона платформа доирасида бирлашиш муҳимлигини таъкидладилар.

**Асрор РЎЗИБОЕВ.**
**ЎзА.**

# НАРКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Яқинда Президентимиз томонидан "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди.*

## Янги Қонун

Аввало, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши заруратига тўхталсак. Мамлакатимизда аҳолига наркологик ёрдам хизмати ташкил этилган бўлиб, ушбу соҳа фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замон талабига жавоб бермаётган эди. Хусусан, шу кунга қадар наркологик ёрдам хизмати 1992 йилда қабул қилинган "Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида"ги ҳамда 1999 йилда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонунлар билан тартибга солиниб келинаётган эди.

Ушбу ҳужжатларда наркологик касалликлар профилактикаси, беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мажбурий даволашга йўллаш тартиби, даволашнинг қанча муддат давом этиши ҳамда ўз хоҳишига кўра, даволанишни тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслиги бу соҳадаги фаолиятни самарали ташкил этишда қийинчиликлар туғдираётганди.

Бинобарин, наркологик касалликларнинг ўзига хослиги, шу жумладан, ушбу касалликларга чалинган шахслар ҳамда уларнинг атрофидаги бошқа фуқаролар манфаатларидан келиб чиқиб, уларни мажбурий даволаш масалалари наркологик ёрдам кўрсатиш борасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришни тақозо этди. Чунки 1992 йилда қабул қилинган қонун атиги 14 моддадан иборат бўлиб, унда касалликнинг олдини олиш, беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилмаган. Боз устига, мажбурий даволашга юбориш ҳақидаги суд қарорининг қабул қилиниш муддатлари, ушбу қарор устидан шикоят қилишга доир айрим нормалар амалдаги процессуал қонунчилигимизга мос эмас эди.

Шу нуқтаи назардан ҳам, соҳада олиб борилган ўрганиш натижалари, ушбу йўналишда мамлакатимизда орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда Ҳукумат томонидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент қуйи палатасига киритилган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар, соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик иштирокида қонун лойиҳаси маромига етказилиб, у бугунги кун талабига жавоб берадиган даражага келтирилди. Айниқса, Қонунда асосий эътибор наркологик касалликлар профилактикасига қаратилди. Хусусан, Қонунда "мажбурий даволаш", "наркологик ёрдам", "наркологик касаллик", "наркологик касалликка чалинган шахс", "наркологик экспертиза", "психоактив моддалар" каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

Қонун билан Вазирлар Маҳкамаси ва ўнлаб тегишли органларнинг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари ҳамда касалликлар профилактикасидаги иштироки, касалликка чалинган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Қонуннинг алоҳида боби наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга бағишланди. Шунингдек, унда наркологик экспертиза, психоактив моддалардан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш тартиби аниқлаштирилди. Тиббиёт ходимларининг наркологик ёрдам кўрсатиш чоғидаги мажбуриятлари, уларга берилган кафолат ва имтиёзлар белгиланди.

Умуман олганда, мазкур ҳужжат, энг аввало, мамлакатимизда наркологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишларини кучайтириш ва оқибатда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади. Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унинг ижро этилиши устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш депутатлар олдида турган устувор вазифалардан саналади.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси.**

# ҚИРҒИЗИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев 5 ноябрь куни амалий ташриф билан Тошкентга келди.**

*Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида икки давлат ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Руслан Казакбаевнинг учрашуви бўлиб ўтди.*

Музокара чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, сув хўжалиги ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигининг жорий ҳолати ва муносабатларни янада ривожлантириш истиқболи муҳокама қилинди.

Вазирлар кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро кун тартибига доир қатор масалаларга алоҳида урғу берди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ижобий суръатини сақлаб қолишдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани эътироф этилди.

Мулоқот давомида коронавирус тарқалишига қарши курашиш ва пандемиянинг Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатларга таъсирини имкон даражасида юмшатиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш тўғрисида ҳам фикр алмашилди.

ТИВ раҳбарлари икки томонлама тадбирларни давом эттириш, жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон Ҳукуматлараро комиссиясининг ва икки мамлакат чегараолди вилоятлари ҳокимлари, ваколатли вакиллари кенгашининг навбатдаги йиғилишларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлади.

Олий ва юқори даражадаги илгари эришилган келишувларга содиқлик тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири Руслан Казакбаев шу куни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ҳам учрашув ўтказди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА БАРЧА ДАХЛДОР

◄1 Демак, бир вақтлар тизимга мажбуран киритилган ёдлаш усулларидан воз кечиш, ўқувчи ва талабани мустақил фикрлашга ўргатиш, фикрини чархлашга доир бутунлай янги педагогик усулларни татбиқ этиш зарур. Зеро, жамиятда янги фикр, янгича қараш бўлсагина, у тараққиёт сари дадил қадам босади. Бир хил қолипдаги қарашлар ҳамда фикрлар билан яшаш охир-оқибат жамиятни таназзулга олиб келиши муқаррар. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги таклифлари асосида ўрганиб, изланиб, ўзимизга хос ва мос бўлган методикани яратиш бўйича аниқ таклифларимизни беришимиз зарур.

Йиғилишда кўплаб масалалар қаторида яна бир муҳим таклиф илгари сурилгани эътиборга моликдир. У ҳам бўлса, келгуси йилдан бошлаб 7-синфдан ўғил-қизларнинг касбга қизиқишларини аниқлаш ва босқичма-босқич касбга йўналтириш амалиёти жорий қилиниши белгиланди. Ҳудуддаги саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари мактабларга бириктириладиган бўлди. Бу, биринчи навбатда, ёшларни меҳнатсеварликка ўргатса, бошқа томондан уларнинг дунёқарашини кенгайтиради, бўш вақтини унумли ўтказишга, ҳунар ўрганишига, тадбиркорликка қизиқиши ортишига хизмат қилади. Бинобарин, кўпдан бери гапириб келинаётган ва амалга



Суратлар "Халқ сўзи" фотожамламасидан олинди.

ошишини истаётганимиз илм ҳамда ишлаб чиқариш интеграцияси ривожланади.

Ўз навбатида, биз, депутатлар ҳам илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш йўлидаги вазифаларни давлатимиз раҳбари ёнида туриб, таълим менинг ишим эмас, деган қарашни мардона енгиб, биргаликда шижоат билан ҳаракат қилсак, кўзлаган мақсадларимизга, шак-шубҳасиз, эришамиз. Энг асосийси, бугун юртимизда кечаётган ислоҳотлар, мавжуд имконият ҳамда юксак салоҳият, халқимизнинг давлат сиёсатига бўлган ишончи ва хайрихоҳлиги олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйиш, уларни амалга оширишга асос бўлади, албатта.

**Шаҳноза ХОЛМАХАМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

# СУҒУРТА ТИЗИМИГА ОИД ҲУЖЖАТ МУҲОКАМАСИДА ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

◄1 "Миллий тикланиш" ДП фракцияси депутатлари суғурта бўйича ҳаётий қонун кераклигини, ундаги айрим бўшлиқларни тўлдиришни таклиф этган бўлса, "Адолат" СДП фракцияси аъзолари лойиҳадаги асосий тушунчаларни янада аниқлаштириш, қонунчилик техникаси қоидаларига риоя этган ҳолда уларнинг айримларини тегишли моддаларга сингдириш бўйича таклифларни илгари сурди. ЎзХДП фракцияси вакиллари суғурталанувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид, шунингдек, ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта шартномалари ҳақида ўз позициясини билдирди.

Ўз навбатида, мутахассислар фракциялар таклифларини инобатга олган ҳолда, суғурта брокерлари, бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта бозорида фаолият шароитлари ҳамда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш орқали истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида маълумот берди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасида жисмоний шахслар билан тузилаётган ихтиёрий суғурта шартномаларида минимал суғурта таваккалчиликлари назарда тутилмоқда. Эндиликда ихтиёрий суғурта шартномаларини тузишда суғурта суммасидан шартсиз франшизани қўллаш бир фоизгача, шартли франшиза қўллаш эса икки фоизгача йўл қўйилади, тўлиқ бўлмаган мол-мулк суғуртасида франшиза қўллашга рухсат этилмайди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, қонун лойиҳасини халқ вакиллари томонидан концептуал жиҳатдан кўриб чиқиш учун қуйи палатанинг навбатдаги мажлисига киритиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

### Ёш авлод юксак ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлиши лозим

Парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси йиғилишида олий ва ўрта махсус таълим вазирининг "Таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, олий таълим муассасалари томонидан ҳуқуқий фанларга оид 71 номдаги ўқув адабиётлари тайёрланган.

Ёшларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган "Street Law" ("Кўча ҳуқуқи — оддий ҳуқуқ") лойиҳасини кенг жорий қилиш бўйича Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ўқитувчи ва талабалардан иборат таркиб шакллантирилган. Мазкур кўнгиллилар гуруҳи томонидан Тошкент давлат юридик университетида АҚШ ҳамда Россия Федерациясининг етакчи мутахассислари иштирокида умумтаълим мактаблари ўқувчиларига лойиҳа дастуридаги ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича мавзулар юзасидан семинар-тренинглар ва интерфаол машғулотлар ташкил этилган.

Шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида талабаларнинг медиа ижтимоий фаолияти ва маданий дам олиш масканини қошида "Блогерлар клуби" фаолияти йўлга қўйилган.

Ижтимоий тармоқлардаги жараёнларни ўрганиб бориш, улардаги ахборот хуружлари, мафкуравий таҳдидлар, "оммавий маданият" ҳамда коррупцияга ва бошқа ёт ғояларга қарши курашиш, виртуал оламда ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган фаол ҳамда ташаббускор талабалардан ижтимоий патрул гуруҳи фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида "Ёш журналистлар" клуби фаолияти ташкил этилган.

Депутатлар, ўз навбатида, мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, турли танловларда қатнашиши, муваффақиятларга эришиши учун барча шароит яратилаётганини таъкидлади. Бироқ ҳаётимизда рўй бераётган айрим ҳолатлар ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқий маданияти ҳали-ҳануз етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, халқ вакиллари ёш авлод вакилларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бир қатор таклифлар берди.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## «Гендер тенглик фаоли» миллий танлови:

# ҒОЛИБЛАР ҚАНДАЙ САРАЛАНАДИ?

*"Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол вазирлик, давлат муассасаси ташкилот ва идоралар", "Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилган энг яхши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи", "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳокимлик", "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ННТ", "Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик фаолияти субъекти" каби йўналишларни ўз ичига олган миллий танлов ўтказилиши эълон қилинган эди.*

## Тақдимот

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Гендер тенглик фаоли" миллий танловининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Гендер тенглиги — хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқий мақоми бўлиб, ҳар бир инсонга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўз қобилиятларини тўла-тўкис намоён этиш имконини беради. Шу жиҳатдан тадбир иштирокчилари гендер тенгликни таъминлаш жамиятнинг барча йўналишдаги тараққиётига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. "Гендер тенглик фаоли" миллий танлови ҳам, аввало, шу мақсадларга хизмат қилиши айтиб ўтилди. Қолаверса, танлов мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни кенг ёритишга қаратилгани билан ҳам эътиборга молик.

Анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилган танловда ҳар йилнинг якунлари бўйича гендер тенгликни таъминлаш соҳасида юқори натижаларга эришган, бу борада жамият ривожи учун ташаббус кўрсатаётган, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўз соҳасига тегишли йўналишларда долзарб вазифаларни амалга ошираётган вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва журналистлар иштирок этади. Танлов бир қанча асосий номинациялар бўйича ўтказилади.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, миллий танлов гендер тенгликни таъминлаш йўналишида давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишларнинг ижтимоий аҳамияти, татбиқ этилган лойиҳаларнинг давомийлиги, вазирлик, ташкилот, идоранинг расмий веб-сайтида гендер тенглиги саҳифасининг мавжудлиги каби мезонлар асосида ўтказилади. Ғолиблар нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан декабрь ойида аниқланади.

— Танлов доирасида мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонунларнинг самарали ижросига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси бош маслаҳатчиси Нодира Шотурсунова. — Чунки ҳозирги кунда айрим вазирлик ва идораларда бу масалага катта эътибор билан ёндашилиб, ютуқларга эришилаётган бўлса, айрим ташкилотларда эса натижалар кутилганидек эмас. Шунинг учун ҳам биз бу борада муваффақиятларга эришаётган пешқадамларнинг ижобий тажрибасини оммалаштириб, уларнинг амалий ишларини янада рағбатлантиришни мақсад қилганмиз. Танлов бу борада бизга катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

Шунингдек, ишчи гуруҳининг ташаббуси билан миллий танлов янги номинациялар билан бойитилди. Эндиликда "Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши TV-дастур", "Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган интернетдаги энг яхши веб-сайт ёки портал", "Гендер тенгликни тарғиб қилишга қаратилган энг яхши нашр" каби қўшимча номинацияларда ҳам совриндорлар аниқланади.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ БОЗОРИДА ЎТТИЗ ЙИЛЛИК САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ




*Вақт — югурик. Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Фақат ундан олинадиган хулоса шуки, бу жараёнда тажриба орттириш, синовларни бардош билан меҳнат орқали енгмоқ, сабр ва қунт билан ҳаракат қилмоқликдир. Мухтасар айтганда, комиллик сари интилмоқ зарур.*

*Мустақил Ватанимизнинг илк молия муассасаларидан, айни пайтда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида камарбаста ўлароқ, ўз фаолиятини янгича руҳ, янгича шижоат билан ташкил этиб, давр синовларидан ёруғ юз билан ўтаётган тижорат банкларидан бири — “Туронбанк” акциядорлик тижорат банкидир. Ҳар бир ташкилот, муассасанинг истиқболи, унинг тараққиёти, эзгу мақсад-муддаоларни амалга ошириш учун интилиб яшаши жамоанинг билими, салоҳияти ва ҳар томонлама етуклиги билан чамбарчас боғлиқ.*

Ибтидога назар ташласак, “Туронбанк” АТБ 1990 йил 6 ноябрда давлат банки сифатида рўйхатга олинди ва ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирги кундаги унинг асосий йирик акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобланади.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимиз банк тизимида бир қатор йирик ислоҳотлар юз берди. Айни шу оқимда, “Туронбанк” АТБ ҳам ўзининг молиявий кўрсаткичларини йилдан-йилга яхшилаб, молиявий барқарорликни таъминлаб келмоқда. Хусусан, банк ташкил этилган даврдан устав капитали босқичма-босқич 50,0 млрд. сўмдан 2020 йилда 884 млрд. сўмгача кўтарилди ва айни шу ижобий динамика фонида умумий капитал ҳам 1,1 трлн. сўмга етди. Албатта, бу борада банкнинг капиталлашув даражаси давлат томонидан сезиларли равишда қўллаб-қувватлангани муҳим аҳамият касб этди.



Энди банк фаолиятининг яна бир муҳим бўғинларидан бўлмиш активлар ҳақида ҳам сўз юритсак. Агар 2016 йилда ушбу йўналиш бўйича 709,1 млрд. сўм қайд этилган бўлса, жорий йилнинг октябрь ойига келиб бу рақам қарийб 8,0 трлн. сўмгача кўтарилди.




Банкнинг умумий фаолиятини аҳолига яқинлаштирадиган ва содда айтганда, “халққа фойдаси тегадиган” жабҳаси, бу — унинг кредит ажратиш, фоизлар ставкасининг даражаси ҳамда мақбуллиги билан боғлиқ сиёсатидир. Яъни кредит портфелини шакллантириш жараёнида асосий эътибор мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантириш, айниқса, манзилли ҳамда ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш ва турли соҳаларда фаолият юритувчи корпоратив мижозларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган. Бу сўзларимизни рақамлар ҳам исботлайди. Агар 2016 йилда кредит қўйилмалари 506,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йил 1 октябрга келиб 5,9 трлн. сўмга етди ва ўсиш сезиларли даражада қайд этилди. Албатта, бу молиявий кўмаклар саноат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги тармоғини тараққий эттириш, транспорт ва коммуникациялар йўналишини модернизация қилиш каби қатор тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, банк томонидан аҳоли эҳтиёжини қондириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида фойдали шартларда қатор кредитлар ҳам ажратиб келинмоқда. Хусусан, 2018-2019 йилларда жисмоний шахслар учун “Микроқарз”, “Онлайн микроқарз”, “Овердрафт”, тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларни кўпайтириш учун эса “Револьвер” каби янги кредит маҳсулотлари тақдим этилиши йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, 2020 йилдан эътиборан “Туронбанк” АТБ жисмоний шахсларга “Андеррайтинг” тизими асосида кредитлар ажратишни ҳам бошлаган. Бу орқали кредит олиш мақсадида ариза тақдим этган фуқароларнинг ҳужжатлари тез фурсатларда йиғилиб, уларнинг кредит тарихини таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланмайди ва амалиёт соддалаштирилган тартибда бажарилади. Статистик маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўзида мазкур “Андеррайтинг” тизими орқали 22,5 мингга яқин жисмоний шахсларга 233,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилгандир.




Ўтган йиллар давомида тараққиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга жорий этиш баробарида банк халқаро молия институтлари билан ҳам фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Хитой Эксимбанки, Ислом хусусий секторни ривожлантириш корпорацияси, Халқаро Ислом савдо ва молия корпорацияси, “KazakhExport” экспорт суғурта компанияси, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Туркия Эксимбанки, Германия “АКА” банки, Чехиянинг “CSOB” банки ҳамда Россия Федерациясининг “Газпромбанк”и шулар жумласидандир.

Шунингдек, банк “SWIFT” ва “VISA International” халқаро тўловлар тизимлари, “Рефинитиф” информацион-дилинг тизими, “Mastercard Europe” халқаро пул ўтказмалари тизими каби қатор маҳаллий ҳамда хорижий ташкилотларнинг аъзосидир. Молия муассасасининг корреспондент банклар қаторига эса “Bank of China”, “Korea Exchange bank”, “Сбербанк”, “Банк ВТБ” ОАЖ, “Промсвязбанк” ОАЖ, “Азия-Инвест Банк” (Россия)лар киради.

Аҳамиятлиси, “Туронбанк” АТБнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида енгил саноат, телекоммуникациялар, қурилиш ва Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳаларида йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, минглаб қўшимча иш ўринлари яратилаётгани, саноат тармоқларида рақобат даражаси кўтарилаётгани билан баробардир.

Бунга мисол қилиб, “Peng Sheng” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасини, “Xiva Gilamlari” масъулияти чекланган жамиятини, “Zarafshon Golden Group” компаниясини, яратилган янги “Melek”, “Yaks” брендларини, “Oxbridge international school” лойиҳасини, АҚШда ишлаб чиқарилган асбоблар билан жиҳозланган “Genotexnologiya” клиникаси каби кўплаб самарали лойиҳаларни келтиришимиз мумкин.




Яна бир аҳамиятга молик жиҳатни келтирмасдан иложимиз йўқ. “Туронбанк” АТБ ўтган вақт давомида ўзининг сифатли ва тезкор хизмати натижасида мамлакат иқтисодиёти ривожи учун муҳим бўлган давлат дастурларида ҳам муносиб иштирок этиб, Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни ўз вақтида бажариб келмоқда. Хусусан, аҳолининг бандлигини таъминлаш, ўз томорқаларидан унумли фойдаланишлари учун шароит яратиш мақсадида қабул қилинган “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан банк ушбу йўналишга масъул этиб белгиланди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида эса “Туронбанк” 3 та муҳим йўналишда ишларни бошлаб юборди. Хусусан, 203,9 гектар замонавий лимончилик иссиқхоналарини қуриш учун ажратилган 46,3 млн. долларлик 100 та лойиҳани тўлиқ молиялаштириб, улар ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш бўйича аниқ чоралар белгиланди.

Лимончиликка ихтисослаштирилган 17 та туманда 550,5 гектарлик иссиқхоналарни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Қолаверса, банк устав капиталига берилган “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратилган кредитлар ҳисобидан 98 гектар майдондаги 1875 та хонадонда босқичма-босқич иссиқхоналар ташкил этиб келмоқда. Амалга оширилаётган мазкур ишлар натижасида 4 500 та доимий ишчи ўрни яратилиши режалаштирилган. Мавсумий ишчи ўринлари билан биргаликда бу рақам 10 мингдан ортиши кутилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, “Туронбанк” АТБ ушбу тармоқни тараққий эттириш учун халқаро кредит линияларининг ҳам маблағларини жалб этиб келмоқда. Фарғона водийсида лимончилик иссиқхоналарини барпо қилиш учун Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан кредит маблағлари йўналтирилди. Шу билан бирга, Наманган вилоятининг Поп туманида 50 гектар, Андижон вилоятининг Балиқчи туманида эса 75 гектар ерда лимончилик иссиқхоналарини ташкил қилиш учун Жаҳон банкидан умумий ҳисобда 11,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди.




Бундан ташқари, “Туронбанк” АТБ йирик лойиҳаларни молиялаштириш баробарида республикамизда гидроэнергетика соҳасини ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, 14 та ГЭСни модернизация қилиш ва янги кичик ГЭСларни қуриш мақсадида ҳукумат кафолати остида Хитойнинг Экспорт-импорт банкидан умумий ҳисобда 209,9 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит жалб этилган. Ушбу лойиҳа доирасида 2019 йилда 2 та янги кичик гидроэлектростанция ишга туширилди. Жумладан, Туябўғиз сув омбори қошида ташкил этилган станциянинг қуввати 12 МВТга тенг бўлиб, йилига ўртача 41,2 млн. кВт/с электр энергияси ишлаб чиқара олади. Катта Фарғона каналида иш бошлаган навбатдаги КГЭС ҳам 12 МВТга тенг бўлиб, йилига ўртача 72,8 млн. кВт/с электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари, банк “Чирчиқ ГЭС каскади”, “Самарқанд ГЭС каскади” ва “Тошкент ГЭС каскади” унитар корхоналарини модернизация қилиш, Самарқанд вилоятининг Дарғом каналида КГЭС қурилиши каби лойиҳаларни молиялаштиришни ҳам ўз зиммасига олди.

Бир зумда, тезкор ва манфаатли. Бу “Туронбанк” жамоаси касб луғатидан ўрин олган энг муҳим сифатлардир. Яъни банк молия бозорининг энг жадал ривожланаётган сегменти бўлмиш чакана хизматлар кўрсатиш даражасини ўзининг креатив ғоялари билан ривожлантириб бормоқда. Сўзимиз тасдиғини жозибали омонатларнинг ортаётгани, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Мана, масалан, 2016 йил 1 октябрь ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиғи 121,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 октябрга келиб ушбу кўрсаткич 689,5 млрд. сўмга етди ва ўсиш 568 млрд. сўмга ошди. Қолаверса, 2020 йил 1 октябрга қадар банк томонидан муомалага чиқарилган миллий валютадаги пластик карточкалар сони 584 мингдан ошиб кетди. Бундан ташқари, мижозларга “VISA Electron”, “VISA Classic”, “VISA Gold” имтиёзли картаси, “VISA Business” корпоратив картаси ва “Mastercard Standard”, “Mastercard Gold” карталарини ҳам тақдим этиш жадаллашди.

Бундан ташқари, “Туронбанк” АТБ “SWIFT”, “Thomson Reuters” сингари халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиш билан бир қаторда, “VISA”, “Mastercard” халқаро тўлов тизимининг тўлақонли вакили ҳисобланади. Молия муассасаси республикамизда биринчилар қаторида “Золотая Корона”, “CONTACT”, “Western Union”, “MoneyGram”, “Unistream” ҳамда “Азия Экспресс” пул ўтказмалари тизимини татбиқ этганлиги билан ажралиб туради. Айни вақтда республика миқёсидаги 75 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали мижозларга хизмат кўрсатмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, “Туронбанк” АТБ халқаро ва маҳаллий рейтинг агентликларининг ҳам муносиб баҳоларини доимий тарзда қўлга киритиб келмоқда. Хусусан, “Standard and Poor’s” халқаро рейтинг компанияси молия муассасасига “Барқарор” прогнози билан B/B даражасини берган бўлса, “АхборРейтинг” миллий рейтинг агентлиги “Барқарор” прогнози билан юқори кредит рейтинги — “УзА+” даражасини тақдим этди.

“Туронбанк” АТБнинг иш услуби ва режаларини буткул ўзгартириб, янгича фикрлаш ҳамда жаҳон андозаларини ўзида синовдан ўтказишга ундаган навбатдаги тарихий Фармон банк фаолиятида бурилиш ясади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда қабул қилинган 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясидир. Мазкур ҳужжат орқали замонавий трансформация жараёнлари бошланди ва Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.




Трансформация жараёнларига кириб борар экан, “Туронбанк” АТБ мижозларга янада йирикроқ молия амалиётларини кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқди ва бу орқали рентабелликнинг барқарор даражасига эришиб, хатарларни бошқариш тизимини оптималлаштирди. Бунинг натижаси ўлароқ, янги имиж яратишга эришган банк иқтисодиётнинг реал секторларини молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириб, мижозлар базасини оширди. Дастлаб фаолият бошлаган вақтда замонавий мобиль шохобчалар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони қуйидагича ўзгарди. 70 га яқин замонавий банк хизматлари офислари, 90 та 24/7 режимида ишловчи автоматлаштирилган тўлов шохобча, 51 та валюта айирбошлаш шохобчаси ҳамда 123 та банк жамғарма ва омонат кассалари ташкил этилди. Улар орқали эса 25 мингдан ортиқ юридик ҳамда 745 мингга яқин жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, рақамли иқтисодиётга ўтиш баробарида банк истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида рақамли ва масофавий банк хизматларининг янги турлари жорий қилишни жадаллаштирди. Электрон навбат, Call-марказ, жисмоний шахсларни биометрик бармоқ ҳамда Face ID орқали идентификация қилиш, QR технологияси орқали тўловларни ўтказиш, “One touch” тизимида тўловларни смартфон орқали қабул қилиш ва 3D secure хизмати жорий қилинди ҳамда DIG ID қурилмаси *(Face ID технологияси орқали мижозни идентификация қилиш тизими)* ҳамда дастурий таъминоти ишга туширилди.

Ўтган вақт давомида эришилган ютуқларни таҳлил қиладиган бўлсак, унда ёш ва тажрибали ходимларнинг ўрни аҳамиятли эканлигини кўрамиз. Сабаби молия муассасаси банкирларнинг малакасини доимий ошириб бориш механизмини ҳам йўлга қўйган. Улар учун мунтазам равишда ўқув-семинар ва анжуманлар ташкил этилади. Нуфузли миллий ҳамда хорижий молиявий институтларда таълим олишлари учун маблағлар ажратилади. Жумладан, ўтган йиллар давомида 219 нафар ходим малака ошириш учун турли ўқув марказлари ва семинарларга жўнатилган. Банк-молия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ходимлар доимий тарзда таҳсил олишади. Қолаверса, иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг бакалавриат 4-босқич талабалари тест синови асосида танлаб олиниб, уларнинг контракт тўловлари банк томонидан тўлиқ қопланиб, ишга жалб қилинмоқда.

*Мухтасар айтганда, мана шундай залварли ва ғоят муҳим йўлни босиб ўтган “Туронбанк” 30 ёшга тўлди. Эҳтимол, тарих олдида бу жуда катта рақам эмасдир. Аммо бир муассаса, хусусан, тижорат банкининг оёққа туришида 30 йил — 10950 кун — сира оз муддат эмас. Бу муддат тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олиш — жамоамиз аҳли учун қанчадан-қанча заҳмат, меҳнат, интилиш, ҳаракат, машаққат, қувонч ва орзулар, таъбир жоиз бўлса, топиш-у йўқотиш, депсиниш-у юксалиш даври бўлди. Ишонамизки, қадимий Турон номи билан аталувчи банкнинг эртаси ҳам нурли, ёруғ ва албатта, порлоқ бўлади. Банк жамоаси эса жонажон Ўзбекистонимиз иқтисодиётини янада кўтариш, юртдошларимизнинг турмушини юксалтириш йўлида, ўз олдига қўйган вазифаларни сидқидилдан бажаради. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”*

**Банк матбуот хизмати.**
***Хизматлар лицензияланган.***

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 459 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6